
ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашининг навбатдаги олтиминч тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман ҳокими, Кенгаш раиси Дилшоджон Джалилов очди ва олиб борди.

Сессияда туман ҳокимининг ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, МФЙ раислари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Сессия кун тартибидаги масалалар юзасидан туман ҳокими, Кенгаш раиси Дилшоджон Джалилов “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сонли қарорлари ижросини таъминлаш” мақсадида ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари О.Эргашевнинг “Ички истеъмол бозорида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини барқарор сақлашда олиб борилган ишлар” бўйича ахборотлари тингланди.

Кун тартибида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия туман ҳокимлигининг фейсбук саҳифаси орқали тўғридан-тўғри онлайн (<https://fb.watch/elURChYhNx/>) равишда узатилди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-08-08 11:24:42